

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

РАСУЛОВА ДИЛБАР КАМАЛИДДИНОВНА

**ИНСУЛТЛИ БЕМОРЛАР РЕАБИЛИТАЦИОН ПОТЕНЦИАЛИНИ
ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ИНСУЛТ ЯКУНИНИ БАШОРАТЛАШ ВА
ЯНГИ НЕЙРОРЕАБИЛИТАЦИОН ДАСТУРЛАР ЯРАТИШ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Расулова Дилбар Камалиддиновна

Инсултли беморлар реабилитацион потенциалини ҳисобга олган ҳолда инсулт якунини башоратлаш ва янги нейрореабилитацион дастурлар яратиш..... 3

Расулова Дилбар Камалиддиновна

Прогнозирование исхода инсульта с учетом реабилитационного потенциала инсультных больных и разработка новых нейрореабилитационных программ..... 25

Rasulova Dilbar Kamalidinovna

Predicting the outcome of stroke taken into account the rehabilitation potential of stroke patients and development of new neurorehabilitation programs..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 54

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

РАСУЛОВА ДИЛБАР КАМАЛИДДИНОВНА

**ИНСУЛТЛИ БЕМОРЛАР РЕАБИЛИТАЦИОН ПОТЕНЦИАЛИНИ
ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ИНСУЛТ ЯКУНИНИ БАШОРАТЛАШ ВА
ЯНГИ НЕЙРОРЕАБИЛИТАЦИОН ДАСТУРЛАР ЯРАТИШ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.DSc/Tib353 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tipme.uz) ва “Ziyonet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Рахимбаева Гулнара Саттаровна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Маджидова Якутхон Набиевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ковальчук Виталий Владимирович
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Раимова Малика Мухамеджановна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Абу Али ибн Сино номидаги
Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007, Тошкент, Мирзо-Улугбек тумани, Паркент кўчаси, 51 уй. Тел./факс: (+99871) 268-17-44, e-mail: info@tipme.uz)

Диссертация билан Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100007, Тошкент, Мирзо-Улугбек тумани, Паркент кўчаси, 51 уй. Тел./факс: (+99871) 268-17-44)

Диссертация автореферати 2025 йил «__» _____ кунни тарқатилди.

(2025 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Х.А. Акилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Убайдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б.Г. Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ўткир инсултдаги тиббий ва ижтимоий зарар эрта ўлим, меҳнат қобилиятини йўқотиш, беморларни узоқ муддатли реабилитация қилиш зарурати билан боғлиқ бўлиб, жамият учун сезиларли иқтисодий йўқотиш ва асоратлар, шу жумладан ногиронлик ва деменция хавфининг ортиши билан юзага келади. Инсултлар 24 соатдан кўп сақланувчи ёки ўлим билан туговчи, ўчоқли неврологик ва умуммия синдромлари билан кечувчи патологиядир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотига кўра, «...цереброваскуляр касалликлардан ўлим ва ногиронликни ривожланиш нуқтаи назаридан энг хавфли деб бош мия қон айланишининг ўткир бузилиши ҳисобланади, 85% ҳолатларда инсулт ишемик (ИИ) ва 15% ҳолатларда геморрагик тавсифга эга, ҳар йили ярим миллиондан ортиқ одам биринчи марта инсулт касаллигига чалинади, уларнинг 75% яшаб қолади, уларнинг 10-12% эса такрорий инсултдан вафот этади ҳамда ҳолатларнинг аксарият қисми ўлим билан якунланади...»¹. Инсулт муаммоси нафақат беморнинг ўзига, балки унинг бутун оиласига ҳам тааллуқли бўлиб, бу оғир ётоқ беморларга доимий ғамхўрлик қилиш зарурати билан боғлиқдир

Жаҳон нейрореабилитациясида инсултли беморларни бузилган ҳаракати, нутқ ва коммуникацияси, идроки, хулқ- атвори ва эмоцияларилари реабилитациясини ишлаб чиқиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Бу борада WFNR-бутунжаҳон нейрореабилитация федерациясининг бутун дунё бўйлаб нейрореабилитация ҳақида хабардорликни ошириш, ҳамкорликни рағбатлантириб, мультидисциплинар командалар ташкил қилишни, инсулт биринчи кунлариданоқ нейрореабилитолог бошчилигида мутахассислар ўз фаолиятларини бошлашлари ва асоратларни вақтида олдини олиш учун қатор чора тадбирлар кўришлари тавсия қилинади. Инсултли беморлар реабилитацион потенциалини ҳисобга олиб, инсулт ўткир даври якунини башоратлаш ва янги нейрореабилитацион дастурлар яратиш эса алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, соматик касалликларни эрта ташхислаш ва самарали даволашга йўналтирилган чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда инсултли беморларни инсултнинг ўткир давридан оқ уларни реабилитация потенциалини ҳисобга олиб, инсулт ўткир даври якунини башоратлаш, аҳоли учун инсулт

¹ <http://www.внутренний-медиа-центр-ВОЗ.Отчеты-ВОЗ-за-2017-год>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

асоратларини профилактикаси учун янги нейрореабилитацион дастурлар яратиш ва шу борада илмий тадқиқотларни ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 30 августдаги ПҚ-3925-сон «Аҳолига неврологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 25 январдаги ПҚ-3494-сон «Шошилич тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³.

Инсултлар клиникаси, диагностикаси, даволаш масалалари ва реабилитациясини муқобиллаштиришга йўналтирилган қатор илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: Hôpitaux Universitaires Paris Centre-Groupe Hospitalier Cochin (Paris, France); Sorbonne Paris Cité, Université Paris Descartes, Faculté de Médecine, Paris, France; Department of Neurology and Neurophysiology, University Hospital Freiburg, Freiburg, Germany; Spinal Cord Injury Center, Balgrist University Hospital, Zürich, Switzerland; Stanford Center for Clinical Research, Stanford University School of Medicine; University of Pittsburgh; Division of Neurosurgery and Spine Program, University of Toronto, Toronto Western Hospital, University Health Network; Boston University Medical Center, Boston; Mayo Clinic, Johns Hopkins Hospital, Stanford Hospitals and Clinics; Departments of Neurosurgery and Diagnostic Pathology, Tokyo University Mizonokuchi Hospital, Kawasaki, Kanagawa, Japan; РФ ССВ Н.Н.Бурденко номи Нейрохирургия ИТИ; Тошкент Тиббиёт Академияси (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Бош мия ишемик инсулти ташхиси, даволаниши ва реабилитациясида маълум бир ижобий силжишлар мавжудлигини кўрсатди. Жумладан, ишемик

³ Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи: www.rug.nl; www.uab.edu; www.uwa.edu.au; www.hadassah.org.il; www.aou-careggi.toscana.it; www.emory.edu; www.uantwerpen.be; www.uniri.hr; www.uchicago.edu; www.uniupo.it; www.lunduniversity.lu.se; www.helsinki.fi; www.barrowneuro.org; www.en.nagoya-u.ac.jp; www.asahikawa-med.ac.jp; www.nsi.ru; www.emergency.spb.ru; www.skelif.mos.ru; www.emerge-centre.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

церебрал инсултларнинг оғирлик даражасини аниқлаш мезонлари аниқлаштирилди (Harvard medical school, АҚШ; Johns Hopkins Hospital, АҚШ); даволаш ва реабилитация жараёнларини максимал даражада эрта бошлаш зарурати исботланди (Bonn University, Германия); РФ Н.Н. Бурденко номидаги РТФА; ишемия жойлашиши ва даражаси, шикастланган тўқима хажмига кўра даволаш чора-тадбирларининг турли услублари ишлаб чиқилди (РНИИТО Р.Р. Вреден номидаги РТОИТИ, Россия Федерацияси; Departments of Neurosurgery and Diagnostic Pathology, Tokyo University Mizonokuchi Hospital, Kawasaki, Kanagawa, Japan; University of Texas MD Anderson Cancer Center, USA); ишемик инсулт билан оғриган беморлар саломатлигини қайта тиклаш усуллари такомиллаштирилди (Division of Neurosurgery and Spine Program, University of Toronto, Toronto Western Hospital, University Health Network; Department of Orthopedic Surgery, Boston University Medical Center, USA). АҚШ Инсулт Неврологик Касалликлари Миллий Институтида (National Institute of Neurological Disorders and Stroke - NINDS) ўтказилган мультимарказлаш-тирилган тест тадқиқоти ишемик инсулт билан оғриган беморларга тиббий-дори воситалари билан ёрдам кўрсатиш усуллари ни стандартлаштирилди. Инсултни ташхислаш ва даволаш стандартларини ишлаб чиқилди, тадбиқ этиш ва такомиллаштириш бўйича, даволовчи ёрдам кўрсатишнинг амалдаги стандартларининг тиббий ва иқтисодий самарадорлигини баҳолаш бўйича (University of Wisconsin School of Medicine and Public Health, Madison, Wisconsin, АҚШ), ҳамда ушбу беморлар туркумига неврологик ёрдам кўрсатиш самарадорлиги аниқланди. (National Institute of Health, АҚШ). Замонавий тиббиёт таҳлилида инсултга олиб келинган омилларни хирургик давоси самарадорлигини баҳоланган (Department of neurology Xinqiao Hospital), кон-томир окклюзиясини биомаркерлари ўрганилган (Department of neurology, Scul of brown University, Island), эндоваскуляр терапия (Department of neurology Baiging Tifntan Hospital), тромболизис масалалари (Molekular neurology's, Biomedicum Helsinki, Department of clinical Neuroscience) Микро-РНК инсултни олдини олишда (Топузова М.П., 2018), мусикатерапияни реабилитациядаги ўрни баҳоланган (Э.Я.Якупов, 2017).

Дунёда инсулт неврологик асоратларини реабилитация усуллари ни такомиллаштириш жиҳатларини тадқиқ этиш қуйидаги устувор йўналишлар бўйича олиб борилади, жумладан инсулт ўткир даврида клиник-неврологик хусусиятларни ва психосоматик бузилишларни ўрганиш; инсулт тикланиш давларида неврологик ва психологик тестлар натижаларини таҳлил қилиш йўли билан когнитив фаолият бузилиши даражасини баҳолаш; нейропротектив терапияни қўллаш билан когнитив ва психосоматик бузилишларни коррекциясини ўтказиш шулар жумласидандир.

Муаммонининг ўрганилганлик даражаси. Инсулт асоратларини башорат қилиш ва инсултли беморлар реабилитация салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда реабилитация қилиш нейрореабилитациянинг фаол ўрганилаётган муҳим муаммосидир. Инсулт натижаларини башорат қилиш инсултли бемор даволашини режалаштириш ва реабилитациясида муҳим

рол ўйнайди. Замоनावий башорат қилиш усуллари турли хил маълумотларга асосланади, масалан, нейровизуализация (МРТ, МСКТ ва КТ), клиник хусусиятлар (ёш, жинс, коморбид касалликлар) ва нейропсихологик баҳолаш, ҳамда ушбу маълумотларнинг комбинацияси беморнинг тикланиши ва реабилитация эҳтиёжларини аниқроқ башорат қилиш имконини беради (Sackley et al., 2018). Инсултли беморлар ҳаракат бузилишларини тикланишнинг турли жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда янги башорат қилиш алгоритмлари ишлаб чиқилди (Pereira et al., 2019). Инсултли беморлар реабилитация потенциалини баҳолаш кўплаб омилларга асосланади: асаб тўқималарининг шикастланиш даражаси, нейропластиклик, беморнинг ёши ва психо-эмоционал ҳолати. жисмоний ҳаракат, нейростимуляция ва роботлаштирилган тизимлар орқали ҳаракат ва когнитив функцияларни тиклашга қаратилган усулларни фаол равишда ишлаб чиқилди. Нерв хужайраларининг тикланишини тезлаштирадиган ва реабилитация жараёнини яхшилайдиган нейростимуляция технологиялари ҳам фаол ишлаб чиқилмоқда (Cramer et al., 2011). Замоनावий тадқиқотлар виртуал ҳақиқат, робот тизимлари ва нейростимуляция каби илғор технологиялар ва усуллардан фойдаланадиган янги нейрореабилитация дастурларини яратишга фаол қаратилган. Телемедицина ва терапия роботларидан фойдаланиш реабилитация қилишнинг янада мослашувчан ва қулай усулларига имкон беради, бу айниқса чекка ҳудудларда яшовчи одамлар учун муҳимлиги аниқланди (López et al., 2020).

Республикамызда инновацион технологияларни инсултли беморлар реабилитациясида комплекс қўллашни илк бор АКТ технологияларини қўллаган ҳолда электрон платформалари яратилди (Маджидова Ё.Н., Ходжаева Д.Т., Максудова Х.Н., Азимова Н.М., Бахрамов М.С., Хусенова Н.Т., Ходжиакбарова Ш.Т., 2020).

Жаҳонда инсултнинг асоратларини прогнозлаш ва янги нейрореабилитация дастурларини ишлаб чиқишга қаратилган қатор, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: инсулт ўтказган беморлар клиник-неврологик ҳолатлари ва коморбид касалликларини ҳисобга олган ҳолда, улар реабилитация потенциалини ҳисобга олиб, инсулт якунини прогнозлаш ва бемор яқинлари учун инсултли беморлар билан ишлаш учун янги замоनावий сунъий интеллект технологияларни қўллаш орқали нейрореабилитацион дастурини ишлаб чиқиш шулар жумласидандир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ FM-2023041477-сон «Қон айланиш касалликлари (Уйқу ва ёнбош артериялари атерокальцинози) клиник биокимёвий ва патогенетик муаммолари, неврологик, когнитив, суяк бўғимлари асоратларини даволаш» (2023-2025 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инсулт ўтказган беморлар клиник-неврологик ҳолатлари ва коморбид касалликларини ҳисобга олган ҳолда, улар

реабилитация потенциалини ҳисобга олиб, инсулт якунини башоратлаш ва бемор яқинлари учун инсултли беморлар билан ишлаш учун янги «Инсултга ёрдам» нейрореабилитацион дастурини яратиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инсулт ўткир даврида беморларнинг клиник- анамнестик ва неврологик ҳолатини NIHSS шкаласи кўрсаткичлари тахлили ва реабилитация потенциалидаги ўрнини аниқлаш;

беморлар коморбид касалликларини гуруҳлар кесимидаги кўрсаткичлари тахлили; NIHSS ва CCI шкалалари ўртасидаги боғлиқлик орқали реабилитацион потенциални прогнозлаш;

инсулт ўткир даврида беморлар лаборатор, ЭКГ ва нейровизуализацияси кўрсаткичларини баҳолаш;

инсулт тикланиш даврида гуруҳлардаги беморлар клиник неврологик асоратларини Ривермид, mRS шкалалари ва когнитив дисфункцияни ёшлар кесимида MMSE шкаласи кўрсаткичлари тахлили ва реабилитацион потенциал прогнозини аниқлаш;

инсулт тикланиш даврида беморларнинг FMA субшкаласи кўрсаткичлари динамикаси ва реабилитацион потенциал прогнози аниқлаш;

инсулт асоратларини олдини олишда “Инсултга ёрдам” дастурининг самарадорлиги ва беморларни реабилитация алгоритми ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти 2021-2024 йиллар давомида Тошкент Тиббиёт академияси неврология ва интенсив неврология бўлимида бош мия ўрта артерияси соҳасида қон айланишининг ўткир бузилишини ўтказган ҳаракат бузилишили 214 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморларни клиник, анамнестик, неврологик, коморбид ҳолатлари, лаборатор, ЭКГ, нейровизуал (МСКТ) ва клиник нейропсихологик текширувлар натижалари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Инсулт ўткир даврида беморлар неврологик симптоматикаси оғирлик даражасини баҳолашда NIHSS (National Institute of Health Stroke Scale) шкаласи, ёндош-коморбид касалликларини баҳолашда Чарлсон коморбидлик индексидан, инсулт асоратларини модификациялашган Рэнкин шкаласи (mRS- modified Rankin Scale) ва Rivermead mobility indexдан, клиник-лаборатор текширувлари, ЭКГ, нейровизуализация усуллари (бош мия МСКТси ёки МРТси), инсултдан кейинги когнитив дефицитни клиник нейропсихологик текширувлардан-MMSE шкаласи, инсулт тикланиш даврида ҳаракат бузилишлари даражасини mFMA, сезги бузилишлари даражасини sFMA шкалалари, инсултдан кейинги асоратлар туфайли ҳаёт сифати бузилишини - SS QOL шкаласи ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор инсулт ўтказган беморларда Чарлсон коморбидлик индекси билан неврологик ҳолат оғирлик даражаси орасида корреляцион боғлиқликни баҳолаш орқали инсулт ўткир даврида реабилитацион потенциал аниқланган;

инсулт ўтказган беморларни хавф гуруҳлари бўйича стратификациялаш ва реабилитацияга ёндашув CCI индекси ва NIHSS шкаласини қўллаш орқали оптималлаштирилган;

диабетик полинейропатияли инсулт ўтказган беморларда мавжуд дистал периферик тетрапарезга марказий гемипарез қўшилганлиги сабабли паст реабилитацион потенциал исботланган;

илк бор инсултли беморларда NIHSS, CCI ва Фугл-Майер шкаласи кўрсаткичлари ва инсультнинг ўткир даври асоратларини олдини олишга қаратилган реабилитация тактикаси ишлаб чиқилган;

инсултли беморлар реабилитация даврининг 3 ойида ёш (40-49 ёш) ва жинс (эркаклар) каби омиллар реабилитацион прогнозга таъсири аниқланган ва 6-чи ойга келиб ижобий таъсири исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

инсултли беморлар реабилитацион потенциали инсулт ўткир давридаёқ улардаги ёндош- коморбид касалликлар оғирлик даражаси Чарлсон коморбидлик индекси CCI ёрдамида баҳоланиб, бу кўрсаткичларни бемор реабилитацион салоҳиятини прогнозлашда тавсия қилинган;

инсултдан кейинги гемипарезлар даражасини баҳолашда Фугл-Майер шкаласи ўзбек тилига адаптация қилиниб, инсулт тикланиш даврида ҳаракатлар динамикаси баҳолаш учун тавсия қилинган;

инсултли беморлар реабилитациясида уй шароитида эрта реабилитация хизмати кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш учун бемор яқинлари учун “Инсултга ёрдам” дастури ишлаб чиқилган;

инсултли беморлар реабилитациясида NIHSS, CCI ва Фугл-Майер шкаласи кўрсаткичлари ва «Инсултга ёрдам» дастурини биргаликда қўллаб такомиллаштирилган алгоритм ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган лаборатор, нейровизуализация ва статистик тадқиқот усуллар асосида инсультни ташхислаш ва башоратлаш тартибини муқобиллаштиришнинг ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, ҳулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бош мия қон айланиши бузилган беморларни реабилитацион потенциали инсулт ўткир давридаёқ беморлардаги коморбид ҳолатлар оғирлик даражаси Чарлсон коморбидлик индекси CCI ёрдамида баҳоланиб, бу кўрсаткичларни бемор реабилитацион салоҳиятини прогнозлашдаги ўрнини асосланганлигида; коморбидлик индекси (CCI) ва инсульт оғирлик даражасини баҳоловчи (NIHSS) ўртасидаги кучли ижобий боғлиқлик аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, оғир инсулт прогнозида CCI юқори бўлган беморларни юқори хавф гуруҳи деб

таснифлаб, уларга тегишли интенсив реабилитация – мониторинг ва инсульт дастлабки босқичларида юзага келиши мумкин бўлган асоратларни башорат қилиб ўлим даражасини камайтириш имконини беришида; NIHSS ва CCI шкалалари ўзаро боғлиқлиги ва беморни инсульт реабилитация прогнозини башоратлаш имкониятида; ўзбек тилига валидация қилинган Фугл-Майер шкаласини клиницистларга амалий кўмак беришида; бемор яқинлари учун яратилган янги «Инсультга ёрдам» дастурини ногиронлик суръатини камайиштириши ва ҳаёт сифати яхшиланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.

Инсултли беморлар реабилитацион потенциалини ҳисобга олган ҳолда инсульт якунини башоратлаш ва янги нейрореабилитацион дастурлар яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи янгилик: илк бор инсульт ўтказган беморларда Чарлсон коморбидлик индекси билан неврологик ҳолат оғирлик даражаси орасида корреляцион боғлиқликни баҳолаш орқали инсульт ўткир даврида реабилитацион потенциал аниқланганлиги бўйича таклифлар Тошкент Тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 24 апрелда 04-24/306т-сон маълумотномаси билан тасдиқланган «Инсултдаги коморбидлик ва реабилитация салоҳиятини прогнозлаш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси бўйича 02.05.2024 йилдаги 95АҒ-сон ҳамда Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар тиббиёт бирлашмаси бўйича 03.05.2024 йилдаги 37-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 10 декабрдаги 10/30-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлик: таклиф этилаётган усулда инсултли беморларни инсульт ўткир давридаёқ коморбид ҳолатларни ҳисобга олиб башорат қилиш реабилитацион потенциалини прогнозлаш имконини беради. Яъни беморлардаги соматик касалликларига, коморбидлик индекси юқори ва неврологик ҳолати оғир беморларга алоҳида кўпроқ аҳамият берилса, улар орасидаги ўлим кўрсаткичи камаяди. Иқтисодий самарадорлик: инсульт ўткир давридаёқ клиникада даволанаётган инсултли беморлар коморбид ҳолатлари оғирлик даражасини баҳоланиши, оғир беморлар парваришига кетадиган ҳаражатларни камайтиради. Хулоса: аниқланган реабилитацион прогнозни башоратлаш усули реабилитация чораларни оптималлаштириш имконини беради.

Иккинчи янгилик: инсульт ўтказган беморларни хавф гуруҳлари бўйича стратификациялаш ва реабилитацияга ёндашув CCI индекси ва NIHSS шкаласини қўллаш орқали оптималлаштирилганлиги бўйича таклифлар Тошкент Тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 24 апрелда 04-24/306т-сон маълумотномаси билан тасдиқланган «Инсултдаги коморбидлик ва реабилитация салоҳиятини прогнозлаш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси бўйича 02.05.2024 йилдаги 95АҒ-сон ҳамда Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар

тиббиёт бирлашмаси бўйича 03.05.2024 йилдаги 37-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 10 декабрдаги 10/30-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлик: таклиф этилаётган усул инсультли беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш, улардаги фалаж, нутқ бузилиши туфайли коммуникатив муаммолар, соматик касалликларига ахамият бериб реабилитация босқичларини такомиллаштиришга ва келгусида ногиронлик даражасини камайтиришга қаратилган. Иқтисодий самарадорлик: ўткир инсульт даврида клиникада даволанаётган инсультли бемор парвариши учун тиббий ҳамшира хизмати 37,5% га камайиши иқтисодий самара ҳисобланади. Хулоса: коморбидлик индекси (CCI) ва инсульт оғирлик даражасини баҳоловчи (NIHSS) ўртасидаги кучли ижобий боғлиқлик реабилитацион прогнозни башоратлаш имконини беради.

Учинчи янгилик: диабетик полинейропатияли инсульт ўтказган беморларда мавжуд дистал периферик тетрапарезга марказий гемипарез қўшилганлиги сабабли паст реабилитацион потенциал исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент Тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 24 апрелда 04-24/305t-сон маълумотномаси билан тасдиқланган «Инсултдан кейинги ҳаракат бузилишлари реабилитациясида янги инновацион усуллар самарадорлигини баҳолаш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент шаҳар тиббий реабилитация клиник шифохонаси бўйича 03.05.2024 йилдаги У/011-76-сон ҳамда Тошкент вилояти Паркент тумани тиббиёт бирлашмаси бўйича 20.05.2024 йилдаги 1954-10-141-ТВ/2024-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. Ижтимоий самарадорлик: таклиф этилаётган дастур инсультли беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш, улардаги фалаж, нутқ бузилиши туфайли коммуникатив муаммолар, соматик касалликларига ахамият бериб реабилитация босқичларини такомиллаштиришга ва келгусида ногиронлик даражасини камайтиришга қаратилган. Иқтисодий самарадорлик: ўткир инсульт даврида клиникада даволанаётган инсультли бемор парвариши учун тиббий ҳамшира хизмати нарҳининг камайиши туфайли 937500 сўм сум усул қўлланилганда бир бемор учун иқтисодий самара ҳисобланади. Хулоса: инсултдан кейинги ҳаракат бузилишлари реабилитациясида гемипарезлар даражасини баҳоловчи Фугл-Майер шкаласининг ўзбек тилига адаптация қилинган варианты қулай «Инсултга ёрдам» дастуридан фойдаланиш натижасида иқтисод қилинган.

Тўртинчи янгилик: илк бор инсультли беморларда NIHSS, CCI ва Фугл-Майер шкаласи кўрсаткичлари ва инсультнинг ўткир даври асоратларини олдини олишга қаратилган реабилитация тактикаси ишлаб чиқилганлиги бўйича таклифлар Тошкент Тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 24 апрелда 04-24/305t-сон маълумотномаси билан тасдиқланган "Инсултдан кейинги ҳаракат бузилишлари реабилитациясида янги инновацион усуллар самарадорлигини баҳолаш" номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент шаҳар тиббий реабилитация клиник шифохонаси бўйича 03.05.2024

йилдаги У/011-76-сон ҳамда Тошкент вилояти Паркент тумани тиббиёт бирлашмаси бўйича 20.05.2024 йилдаги 1954-10-141-ТВ/2024-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. Ижтимоий самарадорлик: таклиф этилаётган “Инсултга ёрдам” дастури инсултли беморлар ҳаёт сифатини улардаги фалаж, нутқ бузилиши туфайли коммуникатив муаммоларни яхшилаб, реабилитация босқичларини такомиллаштиришгани ва ногиронлик даражасини камайтиргани учун самарали ҳисобланади. Иқтисодий самарадорлик: инсулт ўткир давридаёқ «Инсултга ёрдам» дастуридан фойдаланиш бемор яқинларига инсулт оғир асоратларини олдини олишда, оғир беморлар парваришига кетадиган ҳаражатларни камайтиришда иқтисодий самара беради. Хулоса: «Инсултга ёрдам» дастури бемор яқинлари учун тайёр услубий йўриқнома бўлиб хизмат қилгани, инсулт асоратларидан контрактуралар, артрозлар, оғриқлар даражасини камайтиргани учун самарали ҳисобланади.

Бешинчи янгилик: инсултли беморлар реабилитация даврининг 3 ойида ёш (40-49 ёш) ва жинс (эркаклар) каби омиллар реабилитацион прогнозга таъсири аниқланган ва 6-чи ойга келиб ижобий таъсири исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент Тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 24 апрелда 04-24/305т-сон маълумотномаси билан тасдиқланган "Инсултдан кейинги ҳаракат бузилишлари реабилитациясида янги инновацион усуллар самарадорлигини баҳолаш" номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент шаҳар тиббий реабилитация клиник шифохонаси бўйича 03.05.2024 йилдаги У/011-76-сон ҳамда Тошкент вилояти Паркент тумани тиббиёт бирлашмаси бўйича 20.05.2024 йилдаги 1954-10-141-ТВ/2024-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. Ижтимоий самарадорлик: таклиф этилаётган инсултли беморлар реабилитация тактикасини танлашда NIHSS, CCI, Фугл-Майер шкаласи кўрсаткичлари ва «Инсултга ёрдам» дастури билан биргаликда такомиллаштирилган алгоритми инсултдан кейинги оғир ҳаракат бузилишларини олдини олгани, инсултли беморлар ҳаёт сифати яхшилагани, ногиронлик даражаси сезиларли камайтиргани учун самарали ҳисобланади. Иқтисодий самарадорлик: ўткир инсулт даврида клиникада даволанаётган бир инсултли бемор парвариши учун тиббий ҳамшира хизмати нарҳининг 937500 сўмга камайиши, бир ой, йиллар давомида олсак бир неча миллиондан ошиши давлатимиз учун иқтисодий самарадир. Хулоса: NIHSS, CCI, Фугл-Майер шкаласи кўрсаткичлари ва «Инсултга ёрдам» дастури билан биргаликда такомиллаштирилган алгоритми инсултдан кейинги оғир ҳаракат бузилишларини олдини олиш натижасида иқтисод қилинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 3та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий

натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми диссертация кириш, бешда боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми тадқиқотнинг долзарблиги, мақсади ва вазифаларини асослаб, ўрганиш объекти ва мавзусини тавсифлайди. Бу қисмда тадқиқотни республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларни илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Ҳамда ушбу бобда тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига тадбиқ этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, нашр этилган ишлар ва тадқиқот ишининг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи «Инсултлар клиникаси ва реабилитациясининг ҳозирги замон муаммолари ва тамойиллари (адабиётлар мушоҳадаси)» бобида сўнгги йилларда ишемик инсултлар этиопатогенези ва клиникаси, инсултлардаги коморбидлик, нейрореабилитация ва ҳозирги замон муаммолари ҳақида маълумот тақдим этган. Шунингдек инсултлар реабилитациясининг тамойиллари, инсултли беморлар реабилитациясида қўлланиладиган шкалалар ва IT технологияларининг ўрни хорижий илмий манбаларга асосланиб тадқиқотнинг зарурлигини асослаб берган. Ушбу бобда шунингдек, инсулт олдини олишнинг замонавий диагностика усуллари ва услублари муҳокама қилинган, жиддий илмий хулосалар ва тавсиялар берилган. Ўрганилаётган муаммо бўйича адабиёт маълумотлари батафсил кўриб чиқилиб, тадқиқод талаб қиладиган бир қатор масалалар аниқлаштирилган, ишнинг долзарблиги ва танланган мавзунини янада ўрганиш зарурлиги асослаб берилган.

Диссертациянинг иккинчи «Клиник материалнинг умумий тавсифи ва тадқиқот усуллари» бобида тадқиқотнинг объекти, предмети ва усуллари батафсил ёритилган. Инсулт ўткир ва тикланиш даврларида беморларнинг клиник-неврологик, коморбид ҳолатлари характеристикаси, беморларни баҳолашда фойдаланилган неврологик шкалалар (NIHSS, CCI, mRS, Rivermead mobility index, MMSE, mFMA, sFMA, SS QOL), лаборатор (липид алмашуви, мочевино, креатинин), ЭКГ, нейровизуализация (МСКТ ва МРТ) кўрсаткичлари характеристикаси, «Инсултга ёрдам» дастури ва маълумотлар статистик таҳлил усуллари тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларига тўла мос ҳолда келтирилган. Тадқиқотлар Тошкент Тиббиёт академияси неврология ва интенсив неврология бўлимида 2021-2024 йиллар давомида олиб борилган. «Цереброваскуляр касаллиги. Бош мия қон айланишининг ўткир бузилиши, ишемик типда бош мия ўрта артерияси соҳасида» инсульт ўтказган умумий 214 та беморлар тадқиқотга олинган. Инсулт подтипига кўра атеротромботик этиологияли инсулт 157-73,4% беморда, 32-15,0% беморда кардиоэмболик,

16-7,5%да лакунар, 2-0,93% да гемодинамик, 3-1,4% да гемореологик ва 4-1,9% да криптоген инсулт аниқланган (1-жадвал). Илмий тадқиқотда аёллар-55-25,7%ни, эркеклар эса 159-74,3%ни ҳосил қилган. Бош мия ярим шарларининг зарарланиш сатхи бўйича чап ярим шар зарарланиши 128 (59,8%) да ўнг томонга нисбатан кўпроқ учраган 86 (40,2%).

1-жадвал

Тадқиқотдаги гуруҳ беморларининг инсулт подтиплари бўйича тақсимланиши

Клин. тури	1 гуруҳ (n=66)		2 гуруҳ (n=48)		3 гуруҳ (n=49)		4 гуруҳ (n=51)		Жами (n=214)	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
А	39	59,1±6,1	43	89,6±4,5***	36	73,5±6,4 [^]	39	76,5±6,0 [^]	157	73,4±3,0
Л	16	24,2±5,3	0	0,0***	0	0,0***	0	0,0***	16	7,5±1,8
КЭ	9	13,6±4,3	5	10,4±4,5	9	18,4±5,6	9	17,6±5,4	32	15,0±2,4
Гд	1	1,5±1,5	0	0,0	1	2,0±2,0	0	0,0	2	0,93±0,66
К	-	-	-	-	2	4,1±2,9	2	3,9±2,7	4	1,9±0,93
ГР	1	1,5±1,5	-	-	1	2,0±2,0	1	2,0±2,0	3	1,4±0,81

Изоҳ: *-1 гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш ишончли (*-P<0,05; ***-P<0,001)

[^]-2 гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш ишончли ([^]-P<0,05)

Инсулт ўткир даврида инсултдаги ҳаракат бузилишлари даражасини ҳисобга олган ҳолда барча беморлар 4 гуруҳга бўлинган:

1 гуруҳ- енгил даражали инсулт. Беморлар ҳаракат бузилишидаги - неврологик статусида мушак кучи 4-5 баллни ташкил қилган;

2 гуруҳ- ўрта даражали инсулт. Беморлар ҳаракат бузилишидаги - неврологик статусида мушак кучи 3 баллни ташкил қилган;

3 гуруҳ- ўрта-оғир даражали инсулт. Беморлар ҳаракат бузилишидаги - неврологик статусида мушак кучи 2-3 балл, ёки нотекис гемипарезли беморлар;

4 гуруҳ- оғир инсулт. Беморлар ҳаракат бузилишидаги - неврологик статусида гемиплегия, яъни мушак кучи 0 баллни ташкил қилган беморлар.

Тадқиқотдан истисно қилиш мезонларига: бош мия қон айланишининг қайта бузилишлари, ўткинчи бузилишлари, бош мия орқа артерияси, олдинги артерияси, вертебро-базилляр соҳадаги инсултлар, геморрагик инсулт, онкологик касалликлар ва беморда инсултгача бўлган деменция ҳолатлари кирган.

Инсулт реабилитацион потенциалини (РП) баҳолашда беморни инсулт ўтказган ёшини аҳамияти катта бўлиб, 40-49 ёшида инсулт ўтказган бемор билан 60-69 ёшида инсулт ўтказган беморлар орасидаги фарқ- уларни тикланиш компенсатор механизмларини жадаллигидадир. Ёшларда тикланиш жараёнлари жадалроқ, кексаларда эса коморбид касалликлар багажи кўпроқ бўлгани учун бу жараёнлар секинроқ кечган. Келтирилган жадвалдан

кўриниб турибдики, энг кўп учраган ёш оралиғи 60-69 ёш бўлиб, ўртача 64,5 ёшни хосил қилган (2-жадвал).

2-жадвал

Тадқиқоддаги беморлар ёшлар кесимида

Ёши	1 гуруҳ (n=66)		2 гуруҳ (n=48)		3 гуруҳ (n=49)		4 гуруҳ (n=51)		Жами (n=214)	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
40-49	8	12,1	3	6,3	8	16,3	4	7,8	23	10,7
50-59	27	40,9	15	31,3	9	18,4	14	27,5	65	30,4
60-69	18	27,3	18	37,5	19	38,8	21	41,2	76	35,5
70-79	12	18,2	7	14,6	12	24,5	9	17,6	40	18,7
80-<	1	1,5	5	10,4	1	2,0	3	5,9	10	4,7

Маълумотларнинг статистик таҳлили шахсий компьютерда STATISTICA 6.0 дастури ёрдамида амалга оширилган.

Диссертациянинг учинчи «**Инсулт ўткир даврида беморлар клиник-анамнестик, клиник - неврологик ва лаборатор кўрсаткичлари таҳлили**» бобида инсулт ўткир даврида беморларнинг клиник-анамнестик, неврологик, коморбид ҳолатлари, лаборатор ва нейровизуализация кўрсаткичлари чуқур таҳлили келтирилган.

Барча беморлар инсулт клиникасининг типик кўриниши бўлган тўсатдан қўл-оёқдаги ҳаракат чекланиши ёки қўл-оёқ увишиши, нутқ бузилиши, умумий ҳолсизлик, бош оғриғи, бош айланиши каби шикоятлар билан 100% муурожаат қилишган (3-жадвал).

3-жадвал

Тадқиқоддаги инсултли беморлар шикоятлари

Беморлар шикоятлари	1 гуруҳ (n=66)	2 гуруҳ (n=48)	3 гуруҳ (n=49)	4 гуруҳ (n=51)	Жами (n=214)
Тўсатдан қўл ва оёқда ҳаракат бузилиши	100%	100%	100%	100%	100%
Қўл ва оёқда увишиш	100%	100%	100%	100%	100%
Нутқ бўзилиши	34-51,5%	15-31,3%	24-49,0%	32-62,7%	105-49,1%
Ҳолсизлик, бош оғриғи, бош айланиши	100%	100%	100%	100%	100%

Юқоридаги 3-жадвалдан кўриниб турибдики, нутқ бузилиши кўпроқ 1 ва 4 гуруҳ беморларида кузатилиб, 1 гуруҳда лакунар инсулт-яъни инсулт клиникаси асосан тўсатдан нутқ ўзгариши-ғўлдираб қолиш, ёки тушуниш ўзгармаган ҳолда гапиролмаслик клиникаси-мотор афазия билан кечган. 1 гуруҳда қўл ва оёқдаги камқувватлик даражаси енгил бўлган.

Инсултли беморлар неврологик статусида, асосан краниал нервлардан VII ва XII жуфт нервларининг ҳолати, ҳаракат, сезги, координация ва олий мия фаолияти ўзгаришларига эътибор қаратилган (4-жадвал). Беморлар

неврологик статусида VII ва XII жуфт краниал нервларининг марказий фалажлиги 100% да, гемипарез ва гемигипестезиялар аниқланган. Гуруҳлар кесимида инсултли беморлар қўл оёқларидаги фалаж оғирлиги мушак кучига - инсулт даражасига боғлиқ холда ажратилиб, фалажнинг текис ёки нотекис гемипарез бўлиши келгуси реабилитация-тикланиш жараёнида ҳам аҳамиятли бўлган.

4-жадвал


Тадқиқоддаги инсултли беморлар неврологик статуси

Невростатус	1 гуруҳ (n=66)		2 гуруҳ (n=48)		3 гуруҳ (n=49)		4 гуруҳ (n=51)		Жами (n=214)	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
VII ва XII бмн марк фалажи	66	100±0,0	48	100±0,0	49	100±0,0	51	100±0,0	214	100±0,0
Текис гемипарез	0	0,0	17	35,4±7,0**	30	61,2±7,0***^	0	0,0^^^&&&	47	22,0±2,8
Нотекис гемипарез	29	43,9±6,2	31	64,6±7,0*	18	36,7±7,0^	0	0,0***^^^&&&	78	36,4±3,3
гемиплегия	0	0,0	0	0,0	0	0,0	51	100±0,0***^^^&&&	51	23,8±2,9
Мушак кучи	4-5 балл		3 балл		2-3 балл		0 балл			
гемигипестезия	66	100±0,0	48	100±0,0	49	100±0,0	51	100±0,0	214	100±0,0
гемиатаксия	0	0,0	48	100±0,0**	49	100±0,0***	51	100±0,0***	148	69,2±3,2
Неглект	13	19,7±4,9	28	58,3±7,2**	18	36,7±7,0*^	19	37,3±6,8*^	78	36,4±3,3
Мотор афазия	33	50,0±6,2	17	35,4±7,0	14	28,6±6,5*	6	11,8±4,6***^&	70	32,7±3,2
Сенсор афазия	1	1,5±1,5	0	0,0	0	0,0	0	0,0	1	0,47±0,47
Тотал афазия	0	0,0	1	2,1±2,1	17	34,7±6,9***^^	16	31,4±6,6***^	34	15,9±2,5
Орал автоматизми рефлекслари	0	0,0	48	100±0,0**	49	100±0,0***	51	100±0,0***	148	69,2±3,2
Диабетик полинейропатия	9	13,6±4,3	4	8,3±4,0	10	20,4±5,8	16	31,4±6,6*^^	39	18,2±2,6

Изоҳ: *-1-гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан фарқланиши ишончли (*-P<0,05; **-P<0,01; ***-P<0,001). ^-2-гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан фарқланиши ишончли (^-P<0,05; ^^P<0,01; ^^P<0,001). &-3-гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан фарқланиши ишончли (&-P<0,05; &&-P<0,01).

Афазия – нутқ бузилишлари 214 беморнинг 105-50% да кузатилиб, бу кўрсаткич бемор неврологик ҳолатининг оғирлиги, яъни зарарланиш ўчоғининг ўлчами билан боғлиқ бўлган. Айниқса 4 гуруҳ беморларидаги фалаж ва нутқнинг оғир бузилишлари бунинг яққол исботи бўлган. Диабетик полинейропатия қандли диабет фонидagi инсультли беморларнинг 61-28,5%да қайд этилган. Неглект белгилари бош мияни ўнг ярим шари зарарланишига хос бўлиб, 2-гуруҳ 28-58,3%да, 3-гуруҳ 18-44%да ва 4-гуруҳ 19-37%да беморларида аниқланган ва РП га салбий таъсир қиладиган омил бўлган. Тадқиқотдаги деярли 90% беморларда инсулт ўткир даврида орал автоматизми рефлекслари аниқланиб, бу феномен беморларда инсултгача бош мияда қон томир етишмовчилиги- дисциркулятор энцефалопатия белгилари кузатилганлигининг исботи бўлган.

Инсулт ўткир даври беморлар неврологик ҳолати NIHSS шкаласи кўрсаткичлари 1-гуруҳда 6,5, 2-гуруҳда 8,5, 3-гуруҳда 9,5 ва 4-гуруҳда 11,5 баллни ташкил қилган (1-расм). Беморларни ёш кесимига аҳамият берилганда, NIHSS шкаласи кўрсаткичларини ёшга умуман алоқа - боғлиқлик томони кузатилмаган. Ёш бемор фалаж ва афазияси оғир бўлса- 11,5± баллни, қарияда эса фалажлик даражаси паст бўлса 5,5± баллни тўплаган.




1-расм. Инсулт ўткир даврида беморлар неврологик статусини NIHSS шкаласи бўйича гуруҳлар кесимидаги кўрсаткичлари

ANOVA дисперсион таҳлил натижалари NIHSS қийматлари ва инсултнинг оғирлик даражаси ўртасида сезиларли фарқ мавжудлигини кўрсатган ($p < 0,001$): енгил инсултли 1-гуруҳда NIHSS ўртача қиймати 6,2 баллни, ўртача инсултли 2-гуруҳда 7,8 баллни, ўртача оғир инсултли 3-гуруҳда 9,1 баллни ва оғир инсултли 4-гуруҳда 12,1 баллни ташкил қилган. Ушбу фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлган ($p < 0,001$).

Инсулт – коморбид касалликлар кулминацияси бўлиб, инсон ёши ўтган сари одам танасида бўладиган ўзгаришлар компенсация босқичида бўлиши муҳим бўлган. Олиб борилган тадқиқотдаги беморлар коморбид ҳолатларида асосан 214 бемордан 201 беморда 93,9% артериал гипертониянинг 3-босқичи,

173-80,84% да атеросклероз, 53-24,8% да қандли диабет, 36-16,8%да диабетик макро- ва микроангиопатия кузатилган (2-расм).



2-расм. Тадқиқотдаги беморлар коморбид касалликларини гуруҳлар кесимидаги кўрсаткичлари

Кўпчилик коморбид касалликлар ўз кульминация чўққисига чиққунича носимптом кечган ёки беморлар бу симптомларга инсулт рўй бермагунча аҳамият беришмаган, ушбу касалликлар мавжудлигини мия фожиасидан кейингина тан олишган. Айнан тадқиқотдаги 4-1,86% беморлар инсулт бўлгунча у ёки бу касаллиги ҳақида умуман тасаввурга ҳам эга бўлишмаган.

Инсултда коморбидликни ҳисобга олиш реабилитация натижаларини башорат қилиш учун муҳим. ССИ коморбидлик индексидан инсултнинг оғир кечиши хавфини баҳолаш учун қўшимча восита сифатида фойдаланилган бўлиб, берилган 5-жадвалдан кўришиб турибдики, беморлар неврологик ҳолати оғирлашгани сари ССИ кўрсаткичлари ҳам ошган.

5-жадвал

Тадқиқотдаги гуруҳларда беморларни ССИ кўрсаткичлари

ССИ	1 гуруҳ (n=66)		2 гуруҳ (n=48)		3 гуруҳ (n=49)		4 гуруҳ (n=51)	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
1	-	-	-	-	-	-	-	-
2	7	10,6±3,8	4	8,3±4,0	6	12,2±4,7	3	5,9±3,3
3	27	40,9±6,1	10	20,8±5,9*	9	18,4±5,6*	12	23,5±6,0
4	15	22,7±5,2	13	27,1±6,5	11	22,4±6,0	11	21,6±5,8
5	9	13,6±4,3	15	31,3±6,8*	19	38,8±7,0*	18	35,3±6,8*
6	6	9,1±3,6	4	8,3±4,0	2	4,1±2,9	6	11,6±4,6
7	2	3,0±2,1	2	4,2±2,9	2	4,1±2,9	1	2,0 ±2,0

Изоҳ: *-1 гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан фарқланиши ишончли (*-P<0,05; **-P<0,01).

Тадқиқотда коморбид касалликларни ёшга боғлиқ холда тахлили ўтказилган бўлиб, ёш ўтган сари касалликлар секин аста йиғила бошлагани, айримлари инсултгача декомпенсация даражасига ҳам етгани аниқланган. РПни пасайтирувчи омиллардан (ГК+ЮИК, ГК+ҚД, ГК+ЮИК+ҚД) касалликлар комбинацияси катта ёшлиларда-60-69 кўпроқ кузатилган.

Ўтказилган тадқиқотда беморлар РПли уларнинг неврологик статуси (NIHSS) ва коморбидлик (CCI) кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик чуқур талқин қилиниб, башорат қилишга киришилган (жадвал 6). Инсулт оғирлиги (NIHSS) ва Чарлсоннинг коморбидлик индекси (CCI) ўртасидаги статистик корреляцион таҳлил қуйидаги боғлиқликларни аниқлаган:

1) гуруҳлар орасида CCI ва инсулт оғирлик даражаси (NIHSS) ўртасидаги мослик: енгил инсултдан (1-гуруҳ) оғир инсултга (4-гуруҳ) ўтишда Чарлсон коморбидлик индексининг (CCI) (1-гуруҳда CCI кўрсаткичлари минимал 2-4 , 4-гуруҳда эса CCI максимал 5-8) ортиши кузатилган. Яъни барча CCI ва NIHSS қийматларини солиштирганда, Пирсон корреляция коэффиценти $r = 0,92$ ($p < 0,001$) ни ташкил этган, бу эса жуда кучли ижобий боғлиқликни кўрсатган. Яъни, CCI ошгани сари, NIHSS бўйича инсулт оғирлиги ҳам ошганлиги кузатилган.

6-жадвал

Гуруҳларда CCI ва NIHSS шкаласи медианаси орасидаги ўзаро боғлиқлик кўрсаткичлари

	1гр, n=66	2гр, n=48	3гр, n=49	4гр, n=51	Жами, n=214
CCI 2	7-9,4% 5,85балл	4-8,3% 7,5 балл	5-10,2% 8,6балл	3-5,8% 10,3балл	19-8,87%
CCI 3	27-36,4% 6,18балл	10-20,8% 8 балл	10-20,4% 9,2 балл	12-23,5% 11,2балл	59-27,57%
CCI 4	15-22,7% 6,3балл	12-25% 8,2 балл	11-22,4% 9,4 балл	11-21,5% 11,6 балл	49-22,89%
CCI 5	9-13,6% 6,5балл	16-33,3% 8,25 балл	19-38,7% 9,6 балл	18-35% 12,25балл	62-28,97%
CCI 6	6-9,0% 7,0балл	4-8,3% 8,5 балл	2-4,0% 9,5 балл	4-7,8% 12,75балл	16-7,47%
CCI 7	2-3,0% 7,0балл	2-4,16% 7,5 балл	1-2,0% 9,0 балл	3-5,8% 13 балл	8-3,73%
CCI 8			1-2,0% 10 балл		1-0,46%

2) ҳар бир гуруҳ ичида CCI ва NIHSS ўртасидаги боғлиқлик: ҳар бир гуруҳда инсулт оғирлашгани (NIHSS кўрсаткичларининг ортиши) сари CCI кўрсаткичларини ҳам кўтарилиши кузатилган. Масалан, енгил инсултли 1-гуруҳда: CCI 2 бўлса, NIHSS 5,8 баллни, CCI 6 ёки 7 бўлса, NIHSS 7,0 балл ташкил қилган. Оғир инсултли 4-гуруҳ беморларида: CCI 5 бўлса, NIHSS 12,25 баллни, CCI 8 бўлса, NIHSS 13 баллни ташкил этган.

**Коморбидлик ССИ кўрсаткичлари ва NIHSS шкаласи бўйича
реабилитация потенциални башорат қилиш**

